

## БАНК САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ ИНДИКАТОРЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ ВА ТАРКИБИ

Абдухалилова Рузби Юлдашевна

БМА магистранти

**Аннотация:** Мазкур мақолада банк самарадорлигини баҳолашда қўлланиладиган индикаторлар тизимининг назарий-методологик асослари ва уларнинг таркибий тузилиши таҳлил қилинган. Банк фаолияти самарадорлигини аниқлашда ишлатиладиган кўрсаткичлар фақат молиявий натижаларни эмас, балки фаолият жараёнлари, хавфни бошқариш қобилияти, ресурслардан фойдаланиш даражаси ва стратегик ривожланиш салоҳиятини қамраб олиши зарурлиги асосланган. Мақолада анъанавий индикаторлар билан бирга замонавий кўрсаткичлар — ESG мезонлари, рақамли самарадорлик, сифат индекси ва ички жараён самарадорлиги каби кўрсаткичларнинг тизимдаги ўрни ва аҳамияти ёритилган. Шунга мувофиқ равишда банк самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари таркибида натижа, жараён ва стратегик индикаторларни интеграциялаш зарурлиги илмий асосланган.

**Калит сўзлар:** банк самарадорлиги, индикаторлар тизими, ROA, ESG, натижавий кўрсаткичлар, жараён самарадорлиги, стратегик таҳлил.

**Abstract:** This article explores the theoretical and methodological foundations of the indicators used to assess banking efficiency, with a focus on their structural composition. It emphasizes that efficiency assessment in the banking sector should extend beyond financial outcomes and incorporate process performance, risk management capacity, resource utilization, and strategic growth potential. The paper discusses both traditional indicators and modern metrics such as ESG, digital efficiency, service quality indices, and internal operational effectiveness. It argues for the integration of outcome-based, process-based, and strategy-oriented indicators into a comprehensive efficiency assessment framework suitable for contemporary banking systems.

**Keywords:** banking efficiency, indicator system, ROA, ESG, outcome indicators, process performance, strategic analysis.

Банк тизими самарадорлигини аниқ баҳолаш – бу иқтисодий барқарорлик ва молиявий ресурсларни мақсадли бошқаришга қаратилган мураккаб таҳлил жараёнидир. Бундай баҳолаш тизими фақат умумий фойда ёки активлар ҳажмига эмас, балки кўплаб ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар орқали банкнинг ички ва ташқи имкониятларини, стратегик мақсадларга етишиш даражасини, операциявий фаолиятнинг сифатини ҳам акс эттириши керак. Шунинг учун самарадорлик тушунчаси молиявий манбалардан фойдаланиш самараси, хизмат сифати, миждозлар билан ишлаш маданияти, бошқарув жараёнидаги интизом ва инновацион ёндашувлар билан чамбарчас боғлиқ.

Самарадорликни баҳолаш индикаторлари, аввало, банк фаолиятининг кўринишини эмас, унинг ички мазмунини, иловаларни, ички захираларни ва таҳдидларга қарши қандай бошқарув қарорлари қабул қилинаётганини акс эттиради. Агар банк юқори даромад кўрсатса-да, унинг фойдаси мижозлар ҳисобидан, юқори таваккалчилик билан ёки нотўғри ички тақсимот ҳисобига олинган бўлса, бундай натижаларни самарали деб бўлмайди. Шунинг учун баҳолаш индикаторлари ҳақиқий ҳолатни кўрсатиши, формал рақамлар ортига беркинган муаммоларни очиб бериши керак.

Индикаторлар тизими моҳиятан кўпқиррали бўлиб, банк фаолиятининг турли йўналишларини қамраб олади. Улар орасида энг кўп қўлланиладиганлари фойдалилик, ликвидлик, капитал етарлилиги, активлар сифатининг баҳоси ва харажатларни бошқариш самарадорлигидир. Фойдалилик кўрсаткичлари банкнинг ресурслардан қандай фойдаланиши, уларни қандай шароитда ишга солаётганини ифода этса, ликвидлик банкнинг кундалик мажбуриятларни қандай даражада ўз вақтида бажара олиш қобилиятини намоён этади. Капитал етарлилиги эса таваккалчиликка нисбатан банкнинг молиявий барқарорлигини англатади.

Индикаторлар таркибида янада чуқурроқ тузилмалар ҳам мавжуд бўлиб, масалан, активлар тузилиши, пассивлар диверсификацияси, мижозлар сегментларига хизмат кўрсатиш даражаси, банк ички тизимларининг автоматлаштирилган ҳолати, кадрлар салоҳияти каби кўрсаткичлар ҳам самарадорликни холис ифода эта олади. Айниқса, рақамли технологияларни жорий этиш, хизмат кўрсатиш тезлиги, инновацион маҳсулотларнинг улуши каби кўрсаткичлар янги замонавий талабларга жавоб берадиган индикаторлар сирасига киради.

Бугунги кунда халқаро молиявий институтлар томонидан банк самарадорлигини баҳолашда фақат молиявий таҳлил етарли эмаслиги тан олинган. Шу сабабдан стратегик индикаторлар, КРІ тизими ва комплекс баҳолаш моделлари ишлаб чиқилмоқда. Базель қўмитаси ва ХВЖ каби ташкилотлар банк самарадорлигини мултииндикаторли ёндашув орқали баҳолашни тавсия қилмоқда. Унга кўра, ҳар бир кўрсаткич якка ҳолда эмас, балки умумий тизимдаги ўзаро таъсири орқали таҳлил қилиниши керак. Масалан, ликвидлик кўрсаткичи фақат пул маблағлари ҳажмига эмас, балки активлар айланувчанлиги, мажбуриятлар таркиби ва хавф даражасига боғлиқ ҳолда баҳоланади.

Ўзбекистон амалиётида эса, ҳалигача кўп ҳолларда формал коэффициентлар асосида самарадорлик таҳлили амалга оширилмоқда. Бу эса банк раҳбариятига тўлиқ манзара бермаслиги, стратегияни белгилашда нотўғри қарорлар қабул қилинишига олиб келиши мумкин. Шу нуқтаи назардан индикаторлар тизимини қайта кўриб чиқиш, уларнинг таркибини

мураккаблаштириш, функциявий жиҳатдан бойитиш ва амалиётга мослаштириш бугунги кун талабидир.

Банкнинг барқарор молиявий ҳолати — банкнинг молиявий оқимлар мутаносиблигини, тўлов қобилиятини, ликвидлилиги ва рентабеллик фаолиятини сақлаб туриш учун маблағларнинг етарлилигини, шунингдек, барча пруденциал нормативлар банк томонидан бажарилишини ифодаловчи ҳолатидир.<sup>12</sup>

Банк тизимининг барқарор ишлаши, айниқса унинг ликвидлик даражаси ҳамда тўловга қобиллик салоҳияти тўғридан-тўғри тарзда юридик ва жисмоний шахслар фаолиятининг узлуксиз ва самарали амалга ошишига таъсир кўрсатади. Агар банк тизимида барқарорлик бузилса, у ҳолда иқтисодий фаол субъектлар ўзларининг молиявий операцияларини тўлиқ ва ўз вақтида бажаришда жиддий тўсиқларга дуч келади. Буни тарихий мисол сифатида 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози ёрқин ифода этади. Ушбу инқирознинг юзага келиш сабаблари орасида банклар тизимида ликвидлик етишмаслиги, тўлов қобилиятининг заифлашуви, кредит ресурсларининг танқислиги ва молиявий маблағларнинг етарли эмаслиги каби омиллар алоҳида таъкидланади. Шунингдек, кредит бозоридаги мураккаб шароитлар ҳам бу ҳолатни янада кучайтирган.

Бундай вазиятлар банк фаолиятининг иқтисодиётнинг деярли барча тармоқлари билан чамбарчас боғлиқ эканлигини кўрсатади. Шу боисдан ҳам, банк тизимининг умумий ҳолатини мунтазам равишда, илмий асосланган ва тизимли таҳлил этиш зарурати ортиб бормоқда. Бу жараён банклар самарадорлигини баҳолаш индикаторлари орқали амалга оширилиши эса таҳлилнинг аниқлиги ва ишончлилигини таъминлайди.

Банк тизимини атрофлича ўрганиш учун, аввало, банкнинг ижтимоий-иқтисодий вазифалари, функционал моҳияти ҳамда уларни амалга оширишдаги иқтисодий механизмлар моҳиятини пухта англаб етиш талаб этилади. Бундан ташқари, банк фаолиятининг молиявий пойдеворини ташкил этувчи жиҳатлар — яъни молиявий ресурсларнинг шаклланиш манбалари, ўз маблағлари ва мажбуриятларининг нисбати, уларнинг мутаносиблиги, маблағларни мақсадли тақсимлаш йўллари ва, энг муҳими, тўлов қобилияти ҳамда ликвидликни таъминловчи механизмларни тўлиқ қамраб олган таҳлил амалга оширилиши лозим.

Шу жиҳатдан қаралганда, банк фаолиятининг ҳар бир таркибий қисми нафақат ўша банкнинг ички барқарорлиги, балки мамлакат иқтисодиётининг умумий мувозанати учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу соҳадаги муаммоларни чуқур ва илмий ёндашув орқали ўрганиш орқали, банк тизимини самарали бошқариш ҳамда унинг молиявий барқарорлигини кафолатлаш

<sup>12</sup> "Банк ва банклар фаолияти тўғрисида"ги қонун 3-модда

имкони яратилади.

Таркиб жиҳатидан индикаторлар иккига бўлиниши мумкин: натижаларга қаратилган ва жараёнларга қаратилган кўрсаткичлар. Натижаларга қаратилган кўрсаткичлар банкнинг умумий молиявий аҳволини – фойда, рентабеллик, дивиденд сиёсати, бозордаги ўрни каби масалаларни акс эттирса, жараёнларга оид кўрсаткичлар эса – ресурсларни қанчалик самарали тақсимлаш, кредит портфелини диверсификация қилиш, харажатларни оптималлаштириш, мижозларга хизмат кўрсатиш тезлиги ва сифатини ифода этади. Бу икки қараш бир-бирига боғланган ҳолда тўлиқ баҳолаш имконини беради.

Банк самарадорлигини баҳолашда натижаларга қаратилган индикаторлар муҳим ўрин тутаяди. Чунки улар банк фаолиятининг тугалланган босқичи — яъни молиявий ва стратегик натижаларни ифода этади. Бу кўрсаткичлар орқали банкнинг муайян вақт давомида қандай натижаларга эришгани, қандай маблағ оқимларини юзага келтиргани ва ички ресурслардан қанчалик самарали фойдалангани аниқланади.

Натижаларга қаратилган индикаторлар, аввало, банкнинг фойда билан боғлиқ кўрсаткичларини ўз ичига олади. Масалан, умумий фойда ҳажми банкнинг асосий иқтисодий қувватини ифодаласа, активлар даромадлилиги (ROA – Return on Assets) ва ўз капитали даромадлилиги (ROE – Return on Equity) банкнинг ресурслардан фойдаланиш даражасини белгилаб беради. Бу кўрсаткичлар орқали банк нафақат даромад олгани, балки бу даромад қайси манба ҳисобига шакллангани, актив ва капитални қандай ишлатгани ҳам очиқланади.<sup>13</sup>

Банк тизимида самарадорликни ифода этувчи яна бир муҳим натижавий кўрсаткич – фоиз маржаси (NIM – Net Interest Margin) ҳисобланади. Бу кўрсаткич орқали банкнинг асосий бизнес модели – яъни маблағ жалб қилиш ва уни кредит сифатида жойлаштириш жараёнида қандай самарадорликка эришгани аниқланади. Агар банк юқори фоиз маржасига эга бўлса, бу унинг тижорат стратегияси тўғри эканини ва таваккалчиликларни самарали бошқараётганини кўрсатади.

Шунингдек, харажатлар самарадорлигини ўлчовчи кўрсаткичлар ҳам натижаларга қаратилган индикаторлар сирасига киради. Масалан, харажат-даромад коэффиценти (CIR – Cost to Income Ratio) банкнинг ички операцияларини қандай бошқараётганини кўрсатади. Ушбу кўрсаткич қанчалик паст бўлса, банк шунчалик тежамкор ва ички жараёнлари самарали ташкил этилган бўлади<sup>14</sup>.

Натижавий кўрсаткичларнинг яна бир жиҳати — улар банкнинг бозордаги мавқеини ҳам акс эттиради. Масалан, банкнинг активлар улуши, депозитлар бўйича жозибadorлиги, дивиденд сиёсати ва кредит портфелидаги

<sup>13</sup> IMF. Financial Soundness Indicators Compilation Guide, 2019.

<sup>14</sup> ECB. Banking Structures Report, 2020.

даромадлилик даражаси орқали фаолият самараси тан олинади. Шу сабабли натижаларга қаратилган индикаторлар фақат ҳисобот рақамларини эмас, балки банкнинг ташқи муҳитдаги позициясини ҳам кўрсатиб беради.

Таъкидлаш лозимки, бу кўрсаткичларни тўғри таҳлил қилиш учун уларни изоляция ҳолда эмас, балки ўзаро боғлиқ ҳолда таҳлил этиш талаб этилади. Чунки ROE юқори бўлиши мумкин, аммо агар бу кўрсаткич юқори риск ва паст ликвидлик ҳисобига шаклланган бўлса, бундай фаолият самарали эмас, балки нотинчлик белгиси бўлиши мумкин. Шу боис бу кўрсаткичларни турли омиллар, хусусан хавф даражаси, мижозлар сифати ва макроиқтисодий шароитлар билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Халқаро молиявий институтлар, жумладан Базель қўмитаси, ХВЖ ва Fitch Ratings агентликлари ҳам айнан натижаларга қаратилган кўрсаткичларни стратегик таҳлилда бош мезон сифатида тавсия этади. Чунки банк фаолиятининг барча жараёнлари охир-оқибатда айнан шу натижавий индикаторларда ифодаланади ва банкнинг кредит рейтинги, инвестицион жозибадорлиги ва жаҳон молия бозоридаги имижиси шу кўрсаткичлар орқали шаклланади.

1-жадвал Банк самарадорлигини баҳолаш индикаторлари таркиби<sup>15</sup>

Индикаторлар тури	Индикатор номи	Қисқача тавсифи
Натижаларга қаратилган кўрсаткичлар	ROA – Активлар даромадлиги	Банк активлари фойдалилик даражасини ифода этади.
Натижаларга қаратилган кўрсаткичлар	ROE – Капитал даромадлиги	Банк ўз капитали орқали қанча даромад келтирганини кўрсатади.
Натижаларга қаратилган кўрсаткичлар	CIR – Харажат-даромад коэффиценти	Операцион харажатларнинг даромадга нисбати.
Жараёнларга оид кўрсаткичлар	Операциялар ишлов бериш вақти	Банк операцияларини бажаришга кетган ўртача вақт.
Жараёнларга оид кўрсаткичлар	Автоматлаштирилган жараёнлар улуши	Автоматлаштирилган жараёнлар улуши фоизда.
Жараёнларга оид кўрсаткичлар	Мижозлар қониқиш индекси	Мижозлар хизматдан қанчалик рози эканлигини кўрсатади.

Банк самарадорлигини баҳолашда натижалар билан бир қаторда, жараёнларни акс эттирувчи кўрсаткичларнинг аҳамияти тобора ортаётганини кузатиш мумкин. Чунки натижалар кўпинча фаолиятнинг охириги босқичи — яъни молиявий ифодаси бўлса, жараёнларга оид кўрсаткичлар эса айнан шу натижаларга қандай йўл билан эришилганини, фаолият ичидаги ресурслар тақсимоти, тизимли ёндашув ва ички назорат механизмлари қандай

<sup>15</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

ишлаётганини кўрсатади.

Бугунги кунда муваффақиятли банклар фақат фойда кўрсаткичлари билан эмас, балки ички операцияларни қандай даражада оптималлаштиргани, иш жараёнларини рақамли асосга ўтказгани ва инсон капитали салоҳиятини қандай йўналтираётгани орқали ҳам баҳоланмоқда. Жараён кўрсаткичлари шу жиҳатдан қаралганда фаолиятнинг динамикасини, ундаги ўзгаришларни ва ривожланиш жараёнини намоён қилади.

Бундай кўрсаткичларга, масалан, ишлов берилаётган операциялар сони, уларни бажаришда кетган вақт, хатоликлар фоизи, автоматлаштирилган жараёнлар улуши, ички назорат тизимларининг ишлаш фаоллиги, хизмат кўрсатиш тезлиги ва мижозлар қониқиш даражаси кабилар киради. Бу кўрсаткичлар банкнинг ташқи фаолиятига эмас, балки ички мувозанатига, тизимли ишлаш қобилиятига ва рақобатдаги барқарорлигига алоқадордир.

Айнан шу кўрсаткичлар орқали банк раҳбарияти фақат молиявий натижалар билан чекланиб қолмай, фаолият жараёнидаги муаммоли нуқталарни олдиндан кўра олади. Масалан, хизмат кўрсатиш вақти узоқлашса, ёки мижозларнинг шикоятлари кўпайса, бу банк ички жараёнларидаги самарасизликни англатади. Ёки банкда операцияларни ишлов бериш сони ошса-да, умумий фойда ўсмаган бўлса, демак ички жараёнларда ресурслар етарлича самара билан ишлатилмаяпти.

Рақамлаштириш жараёни жадал кечаётган бугунги шароитда жараён кўрсаткичлари банк фаолиятининг рақобатбардошлигини ҳам белгилайди. Масалан, бир хил хизматни офлайн кўрсатиш учун 10 дақиқа, рақамли канал орқали 30 сония талаб этса, бу жараённинг қандай самара билан ташкил этилганини очиқ кўрсатади. Шундай қилиб, бу кўрсаткичлар банк менежменти учун ички ишлаб чиқариш жараёни каби – яъни харажатлар, вақт ва натижа ўртасидаги мутаносибликни англаш учун муҳим воситага айланади.

### **ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ;**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 3620 сон Қарори

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3270-сонли Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2004 йил 30 январдаги «Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида»ги 1306–сонли Низом

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2021 йил 26 ноябрдаги «Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режасини тасдиқлаш тўғрисида» № 3336-сон

5. Rose, P. S., & Hudgins, S. C. (2013). Bank Management & Financial Services. McGraw-Hill Education.
6. Van Greuning, H., & Bratanovic, S. B. (2009). Analyzing Banking Risk: A Framework for Assessing Corporate Governance and Risk Management. World Bank Publications.
7. Koch, T. W., & MacDonald, S. S. (2014). Bank Management. Cengage Learning